

Научный вестник Бухарского государственного университета
Scientific reports of Bukhara State University

5/2022



BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI ILMIY AXBOROTI



5/2022

MUNDARIJA

Tursunov A.R.	Morphological stages of word formation	104
Ubaydullayeva D.F.	The problems in comprehension of english morphology in the process of cesond language acquisition	107
Йўлдашева Х.Қ.	Тилшуносликда бадий матни социопрагматик аспекта тадқиқ этишнинг долзарб муаммолари	113
LITERARY CRITICISM		
Касимова Р.Р.	Таржимашунослик истиқболлари: интертекстуаллик ва мутаржим фаолиятига қўйиладиган талаблар	116
Қосимова Н.Ф., Қарбозова Г.Қ.	Таржимани оптималлаштиришнинг когнитив механизмлари	123
Рўзиев Н.Қ.	Ўзбек халқ афсона ва ривоятларининг жанр ҳамда тил хусусиятларини инглизча таржимада сақлаш маҳорати	127
Касимова Р.Р., Рўзимуродова З.Ғ.	Таржимашунослик тарихи, тараққиёти, турлари ва моделлари	133
Khudayberdiyev A.A.	The artistic concepts of "Homeland" and "Nation" in the works of Siraj ud-din Sidki	140
Ganieva O.Kh.	“East of Eden” романида қаҳрамонлар хулқ-атвориға жамият фикрининг таъсири	146
Mizrabova J.I.	Kalambur semantik xususiyatlarini tarjimada aks ettirishdagi o'ziga xosliklar (u.shekspir pyesalari misolida)	150
Choriyeva M.Q.	Abdurahmon Tamkin Buxoro adabiy muhitining yirik vakili	159
Сафарова З.Т.	Тарбия романларида готик роман элементлари таҳлили	165
Садуллаев Ф.Б.	XX аср АКШ модерн адабиётининг тарихий ҳамда ижтимоий негизлари	171
“NAVOIY GULSHANI”		
Бекова Н.Ж.	Азал ҳам сен, абад ҳам сен...	177
ECONOMICS		
Zang Hongyan	A case study on international scientific and technological cooperation between China and Uzbekistan	181
HISTORY		
Рашидов О.Р.	XX асрнинг 30-йилларида ўзбек зиёлиларининг катагон этилиши	186

ТАРЖИМАНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШНИНГ КОГНИТИВ МЕХАНИЗМЛАРИ

*Қосимова Нафиса Фарҳодовна,
Бухоро давлат университети
таржимашунослик ва лингводидактика кафедраси доценти, PhD
(e-mail: n.f.gosimova@bukdu.uz)
Қарбозова Гульнора Қумисбековна,
Заведующая кафедрой английского языкознания
Южно-Казахстанского государственного университета
имени М. Ауэзова, к.ф.н., доцент*

Аннотация. Ушбу мақолада когнитив таржимашунослик нуқтаи назаридан таржиманинг бир турдаги маълумотни идрок этиши ва унинг бошқа турга айланиши сифатида талқин қилиниши масалалари ёритилган. Мазкур назария доирасида таржимон когнитив тизимининг ўзгартирувчи унсур вазифасини бажариши шартлари, таржимон фаолиятининг лингвоментал таҳлили, бугунги кунда аниқ ечимга эга бўлмаган когнитив бирликлар ва вербал маъноларнинг ўзаро боғлиқлиги каби устувор муаммолар муҳокамаси келтирилган. Олимларнинг таржимон шахслар когнитив ва лингвоментал жараёнлари ўртасидаги эҳтимолий фарқларнинг маданиятдаги тафовутлар туфайли шартланганлиги борасидаги илмий қарашлари қийсланган. Маданиятнинг семантик майдони инсон онги сингари, маълум даражада этник тилнинг чегаралари билан белгиланиши, когнитив тузилмалар билан барча ақлий операциялар фақат онгнинг лингвистик даражасида кодланганда, яъни вербал ҳолатга кирганида, таржимон аслият муаллифининг ментал дунёси мазмунини ўз маданиятининг "алгоритмига" мувофиқ ифодаланиши лозимлиги каби илмий масалалар талқини ўз ифодасини топган.

Калит сўзлар: когнитив тузилма, концепт, алгоритм, лингвоментал жараён, ментал дунё, ҳамоҳанглик тамойили, коммуникатив мақсад, вербал код, семантик майдон, қиймат.

Аннотация. В данной статье затрагиваются вопросы интерпретации понятия перевода как процесс восприятия определённого вида информации и её воспроизведения с точки зрения когнитивного переводоведения. В рамках данной теории обсуждаются такие приоритетные проблемы, как обусловленность функционирования когнитивной системы переводчика, лингвоментальный анализ переводческой деятельности, описание взаимосвязи когнитивных единиц и вербальных значений, не имеющее по сей день своего абсолютного толкования. Сопоставляются научные взгляды учёных относительно обусловленности возможных расхождений между когнитивными и лингвоментальными процессами переводчиков различиями их культур. В работе также находят своё решение научные вопросы касательно определяемости семантического поля культуры, как и человеческое сознание в определённой степени, границами этнического языка, кодирования когнитивных структур и всех ментальных операций только на языковом уровне мышления, в его вербальном состоянии, необходимости отражения переводчиком содержания ментального мира автора оригинала в соответствии с "алгоритмом" родной культуры.

Ключевые слова: когнитивная структура, концепт, алгоритм, лингвоментальный процесс, ментальный мир, принцип гармонизации, коммуникативная интенция, вербальный код, семантическое поле, значимость.

Abstract. This paper addresses the issues of interpreting the notion of translation as a process of perception of a certain type of information and its reproduction from the perspective of cognitive translation studies. Within the framework of this theory such priority problems as the conditionality of the translator's cognitive system functioning, linguistic analysis of translation activity, description of the relationship between cognitive units and verbal meanings, which does not have its absolute interpretation to this day, have been discussed. The scientific views of scholars regarding the causality of possible discrepancies between the cognitive and linguistic processes of translators due to the differences in their cultures have been compared. The paper also finds a solution to the scientific questions concerning the determinability of the semantic field of culture, as well as human consciousness to a certain extent, by the boundaries of an ethnic language, coding cognitive structures and all mental operations only at the linguistic level of thinking, in its verbal state, the need for translators to reflect the content of the mental world of the original author in accordance with the "algorithm" of the native culture.

Keywords: cognitive structure, concept, algorithm, linguistic process, mental world, harmonisation principle, communicative intention, verbal code, semantic field, significance.

Кириш. Халқаро муносабатларнинг жонланиши ва бошқа маданиятларга бўлган кизиқишнинг кучайиши даврида таржима муаммолари тобора долзарб бўлиб бормоқда. Зеро, таржима маданиятлараро алоқанинг асосий воситасидир. Маданиятлараро компетенция ўзга маданият ва тил ташувчиларининг ижтимоий меъёрларга ва нутқ одоб-ахлоқ қоидаларига мувофиқ маданиятлараро мулоқотга шайлиги ҳамда лаёқати билан белгиланади. Чет тилининг миллий ўзига хослиги нутқ одоб-ахлоқида воқеланиб, мавжуд билимлар асосида таржимонда кўпинча прагматисоний кўчириш содир бўлиб, унда таниш ҳаракат образлари ва лисоний маънолар чет тилига ўтказилади. Таржимоннинг ўзгалар маданияти ва менталитети ҳақидаги билимлари қанчалик кенг бўлса, матнни ўтириш жараёнида коммуникатив мақсадни қайта тиклашга доир тиллараро номутаносиблик ҳолатлари шунчалик кам бўлади. Таржимондан чет тилининг миллий хусусиятларини, миллий характернинг ўзига хос белгиларини билиши, уларнинг маълум бир маданиятга хос бўлган қадриятлар, муносабатлар, хулқ-атвор меъёрларининг барқарор мажмуи эканлигини англаши талаб қилинади [4; 34]. Таржимон фаолиятининг лисоний-ментал жиҳати кенг қамровли тадқиқотларда ўрганилганлигига қарамасдан, бутунги кунда когнитив транслатологияда аниқ ечимини кутаётган, таржиманинг фалсафий-мантқикий негизини ташкил этадиган таржимага интуитив, ассоциатив ёндашув масалалари алоҳида эътиборни тортади.

Асосий қисм. Маълумки, когнитив таржимашунослик нуқтаи назаридан таржима жараёнини бирон-бир турдаги маълумот (чет тилидаги, хорижий матн)ни идрок этиш ва унинг бошқа матн турига айланиши сифатида талқин этиш мумкин. Бунда таржимоннинг лисоний-когнитив тизими ўзгарувчан майдон ҳисобланади. Кўплаб тадқиқотларда аслият таржима муаллифларининг лисоний-ментал, когнитив жараёнлари орасида мавжуд бўлган тафовутлар улар мансуб бўлган маданиятлардаги фарқлар туфайли шартланганлиги ва буларнинг тилда акс этишини асослайдиган назарий қарашлар илгари сурилади. Маданиятнинг семантик майдони эса инсон онги каби, маълум даражада, этник тилнинг чегаралари билан аниқлаштирилади. Когнитив тузилмалар ёрдамида барча ментал операцияларни фақат онг тил даражасида кодланганда, яъни вербал шакл олганда ва инсон ментал дунёсининг мазмуни у учун фақат маълум жамиятларнинг белги тизимлари чегараларида кодлаш натижасида мавжуд бўлгандагина амалга ошириш мумкин бўлади [9; 56]. Таржимон, одатда, аслият муаллифининг ментал дунёси мазмунини унинг ўзига тегишли бўлган (шу жумладан, лисоний) маданиятининг “алгоритми”га мувофиқ акс эттиради.

Масалан, таржимада ҳамоҳанглик юзга келишини шартлантирган қийматлар ҳамоҳанглигини, маданий алгоритмларни келиштириш тажрибасини инглиз тилидан рус тилига қилинган қуйидаги таржимада кузатиш мумкин:

— *Just imagine going back to nature. Back to your roots. Clean air, wide — open spaces.*

— *Well. I hear there's wide — open spaces in Connecticut.*

— *Connecticut?*

— *Только представьте себе. Назад в природу, к своим корням. Чистый воздух, широкие просторы.*

— *На Брайтон-Бич тоже просторы.*

— *На Брайтон-Бич?*

Мазкур таржимада ҳамоҳанглик тамойили устуворлиги кузатилади. Чунки рус китобхони учун етарли даражада таниш бўлмаган Коннектикут топоними ўрнида таржимон Брайтон Бич – Коннектикут штатида қўшни бўлган Нью-Йорк штатида жойлашган дам олиш маскани, курорт номини қўллайди. Таржимон на луғавий, на географик мазмундаги тафовутга қарамасдан кенг қабул қилинган номни қўллаш натижасида иккала бирликлараро қиймат мутаносиблигини намоён қила олган, шунингдек, таржимада ҳамоҳангликни таъминлашга муваффақ бўлган. Кейинги таржима намунасида рус (М.А.Булгаков асаридан) ва француз миллий-лисоний манзараларидаги тафовутларнинг таржимада ҳамоҳанглик касб этганлигини кузатиш мумкин: *Было два часа ночи.* Француз таржимони мазкур гапни *Il était deux heures du matin* тарзида ўтирганки, унинг тескари таржимаси *было два часа утра* кўринишига эга. Кўринадики, гарчи француз тилида адекват таржимани таъминлай оладиган *nuit — ночь (тун), matin — утро (эрталаб)* лексемалари мавжуд бўлса-да, таржимон қабул қилувчи томон маданиятига мослашиш мақсадида маъноларни, уларнинг нутқ занжиридаги қийматини мувофиқлаштирган. Бундай таржимани ҳамоҳанг таржима деб эътироф этиш мумкин; таржима жараёни, унга бўлган ёндашув эса тафаккур эгаси, коммуникация

субъектларининг яратувчиси бўлиш таржимоннинг фаол иштироки натижасида воқеланган ижодий, когнитив, лингвомаданий характер касб этади.

А.Г.Минченковга кўра, оптимал таржима нафақат таржимоннинг бошқа маданиятнинг “алгоритмлари” ҳақидаги билимлари, балки аслият муаллифининг ментал бўшлиқларини сеза билиш даражасига ҳам боғлиқ [3; 127]. Шу муносабат билан таъкидлаш ўринлики, шахсларнинг ақлий бўшлиқлари ҳеч қачон тўлиқ мутаносиб бўлмаслиги мумкин, зеро, улар индивидуал билимлар орқали аниқланади ва индивидуал “вербал код” билан ифодаланади. Индивидуал ментал бўшлиқлар фақат “умумий зоналар”га эга бўлиши мумкин. Аслият муаллифи ва унинг таржимонлари индивидуал ақлий бўшлиқларининг “кесишиш майдонлари” қанчалик кенг бўлса, таржима шунчалик муваффақиятли ва самарали бўлади. Айнан индивидуал ақлий бўшлиқларнинг “қўшилган майдони” аслият муаллифининг психосемиотик хусусиятларини таржима тили орқали вербаллаштиришни талаб этади. Оптимал таржимани амалга ошириш учун таржимон нафақат тилдан фойдаланади, балки идеал ҳолда маданай коммуникацияни ўрнатиш мақсадида таржима тили эгалари онгида шаклланган, ривожланган “намуна”га интилади. Шунинг учун маданиятлараро компетенцияга эга бўлиш таржимонлар олдида қўйилган устувор вазифа бўлиб ҳисобланади ва бу компетенция ментал тасаввурлар, тўпланган билимлар ва вербал ҳаракатларнинг интеграллашуви сифатида қабул қилиниши мумкин.

Инсоннинг ментал олами фикр ва тил тузилмаларининг ўзаро боғлиқлигини тақозо этади. Ўзбек таржимашунос-олими Ш.С.Сафаровнинг фикрича, маълум бир тил соҳиби бўлган шахсларнинг умумий қабул қилинган, барча учун тушунарли бўладиган мулоқот воситаларидан фойдаланиши аниқ. Бироқ уларнинг лингвокогнитив компетенциясида умумий хилқатлар устувор бўлиши билан бир қаторда, индивидуал хусусиятларнинг мавжудлигини ҳам унутмаслигимиз керак. Бу, айниқса, таржимон компетенциясининг фаоллашувида аниқ кўринади. Зеро, таржимон, аввал айтганимиздек, ўз вазифасини лисоний шахс сифатида адо этади. Ҳар бир шахс ўз луғат бойлигига эга ва ушбу бойлик таржима талабини қондирмаган тақдирда мавжуд манбаларга мурожаат қилади. Таржимон бажарадиган когнитив ҳаракатлар, энг аввало, индивидуал характерга эга [6; 112]. Тафаккурнинг табиий тил билан боғлиқлиги “ментал тузилмалар тили” (МТТ) воситачилигида амалга оширилади, унинг таркибий қисмларидан бири – бу миллий-маданий хусусиятлар билан белгиланган, когнитив ишлов берилган, борлиқ фрагментининг “образ”и сифатида талқин этиладиган “концепт” ҳисобланади. Масалан, “очередь” (“навбат”) концепти рус кишисининг онгида тегишли эмотив-психологик контекстда чарчаб эзилган, ғазабланган, тақдирга тан берган одамларнинг туганмас навбатидек ментал қиёфани уйғотади. Европаликлар учун ушбу концепт бошқача тус касб этади, яъни тартиблилик, интизом, ҳурмат белгиси. Шу маънода концептлар инсоннинг этно-ментал дунёсини қайта қуриш ва маданиятни тушуниш имконини беради. Деярли ҳар қандай концепт бир тилдан иккинчисига таржима қилиниши мумкин, яъни “қайта кодлаш орқали талқин этилиш”и ҳамда бошқа вербал шаклда ифодаланиши мумкин. Бироқ турли маданият вакиллари учун умумий вербал код ҳеч қачон уларнинг индивидуал ментал бўшлиқлари миқёсида бир-бирини ўзаро тушунишлари учун қафолат бўла олмайди.

Натижалар ва уларнинг муҳокамаси. Концептуал таржима контекстида тушуниш таржимонга мос келадиган тил бирлигига ментал образ (тушунча) уйғотадиган тарзда содир бўлади. Шу аснода концепт ва тил birlikларинро фаоллаштириш юз беради. Таржимон томонидан уйғотилган тушунча ва ассоциациялар салоҳиятли фонли билимлар билан мустаҳкамланади. Аммо бу жараёнда таржимон учун ўзининг тилида сўзлашувчиларга тушунарли бўлмаган тушунчаларни ёки аслият муаллифи ишлатган тушунчаларни фаоллаштириши мумкинлиги хавф тугдирди. Таржимон ўз тил компетенциясига таянган ҳолда танлаган лисоний birlik унинг вербал шакли ортида турган тушунчанинг мақбул ифодаси эканлигига ишонч ҳосил қилиши керак. Бундай ҳолда у икки хил тил тизимини уйғунлаштириш учун фақат ўзининг маданиятлараро компетенциясига мурожаат қилиши ва барча билим ресурсларини фаоллаштириши талаб этилади. Таржима маълум бир лингвистик ва маданий жамиятнинг лисоний ва ақлий тузилмаларини акс эттирар экан, мазкур жараёнда таржимон ўзга контекстдаги қарашларни ўзининг индивидуал-интуитив, ассоциатив тахминларига мувофиқ изоҳлайди, талқин қилади. Таржима компетенциясининг нималардан таркиб топишини аниқлаш қийин масала эканлиги барчага маълум. Таржиманинг бошқа касбий фаолиятга нисбатан мураккаб эканлиги яққол кўриниб туради. Шундай экан, таржима компетенциясининг моҳиятини белгиловчи хусусиятлардан бири мураккаблик эканлигини эътироф этмоқ керак. Шунингдек, таржима жараёни бир-бирдан тамоман фарқ қиладиган укув, қобилиятнинг фаоллашувини тақозо этади. Мисол учун бадиий ва илмий-техник таржима лисоний билимнинг касбга, фан соҳасига оид билим билан омухталанишини талаб қилади. Бу таржима компетенциясининг яна бир фарқли белгиси хилма-

хиллик (heterogenety) эканлигидан дарак беради. Бундан ташқари, таржима компетенциясига тахминлик табиати хосдир. Чунки таржимонлар, барча соҳалардан бир хилда хабардор эмаслиги боис, баъзи ҳолатларда тахминларга таянадилар [6; 114].

Таржимон томонидан олинадиган маълумотларга асосланиб, таржима координаталарини аниқлайдиган ва кейинчалик “назорат қилинадиган иш жойида” содир бўладиган кейинги ментал жараёнларни тартибга солувчи макростратегия ишлаб чиқилади. Шунини таъкидлаш керакки, таржиманинг деярли барча ментал жараёнларида интуитив мулоҳазалар ва спонтан ассоциациялар мавжуд бўлади. Ички сезги, авваламбор, таржимон индивидуаллигининг ифодаси ҳисобланади. Айнан ички сезги боис тил материали “етказиб берилади” ҳамда семантик “тушуниш координаталарини” аниқлаш учун таржимон лисоний компетенциясининг реал вазият ва воқелик фрагменти билан “ассоцияланиш”и содир бўлади. Таржима жараёнининг ушбу босқичи, назаримизда, таржимоннинг этно-маданий жиҳатдан белгиланган ассоциатив компетенциясига боғлиқ бўлиб, бу таржимон томонидан кейинги микростратегик вазифаларни ҳал қилишда ассоциатив маънони аниқлашда ҳал қилувчи рол ўйнайди. Бошқа тадқиқотларда ҳам бўлгани каби ассоциатив маъно биз томонииздан таржимоннинг (умуман индивиднинг) “когнитив тузилиши” асосида ётган ва фикрлаш, сўз орқали ифодаланадиган реал, ментал ва вербал муносабатлар, ўзаро муносабатлар модели сифатида талқин этилади.

Хулоса. Шундай қилиб, таржима вазифаларининг оптимал ечими нафақат таржимоннинг когницияси, тафаккури, онги, интуицияси балки унинг лингвистик ва маданий дунёнинг этноментал моделларини тақдим этадиган концептуал тузилмалар ва уларнинг вербал кодларининг этно-маданий ифодасини белгилайдиган ассоциатив компетенцияси билан ҳам белгиланади. Таржимага когнитив ёндашув контекстида таржиманинг ўзига хос хусусиятларини кўриб чиқиб, аслият матни лингвоментал модели билан унинг таржима қилинган шакли ўртасидаги номуносабиблик, бир томондан, аслият матни муаллифи ва таржимон ўртасидаги ментал бўшлиқларда “умумий зоналар”нинг мавжуд бўлмаганлиги (ёки улар “кесишиш зоналари”нинг ҳаддан зиёд торлиги) га ҳамда, иккинчи томондан, таржимоннинг фақат ўзининг маданий макони “алгоритмига” йўналтирилганлигига боғлиқ деган хулосага келиш мумкин.

АДАБИЁТЛАР:

1. Болдырев Н. Н. *Концептуальная основа языка // Когнитивные исследования языка. Вып. 4. Концептуализация мира в языке / гл. ред. Е. С. Кубрякова. – Москва: ИЯ РАН, 2009. – С. 25–78.*
2. Бондарева, Л. Н. *Языковая картина мира в ретроспективном дискурсе / Л. Н. Бондарева // Пелевинские чтения – 2003: Межвуз. сб. науч.тр. Калининград: Изд-во КГУ, 2004. – С. 175-180.*
3. Минченков А.Г. *Когнитивно-эвристическая модель перевода (на материале английского языка): дис. ... д-ра филол. наук. – Санкт-Петербург, 2008. – 177 с.*
4. Нелюбин, Л. Л. *Толковый переводческий словарь / Л. Л. Нелюбин. - 3-е изд., перераб. – Москва: Флинта, 2003. – 320 с.*
5. Нефедова Л.А. *Когнитивный подход к интерпретации текста: учебное пособие. – Челябинск: ЧелГУ, 2003. – 70 с.*
6. Сафаров Ш.С. *Таржима компетенциясининг таркибий қисмлари. "Ўзбекистонда хорижий тиллар" илмий-методик электрон журнал journal.fledu.uz № 3. – Тошкент, 2019. – Б. 110-114.*
7. Qosimova N.F. *Tarjima jarayonida diskurs tahlilining roli. Центр научных публикаций (buxdu.Uz), 1(1). извлечено от https://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/2164. - Buxoro, 2021.*
8. Van Dijk T.A. *Discourse and Context. A Sociolinguistic Approach. – New York: Cambridge University Press, 2008. – P. 120-127.*
9. Wilss W. *Knowledge and Skills in Translator Behaviour. – Amsterdam/Philadelphia: John Benjamins, 1996. – 234 p.*
10. Munday J. *Introducing Translation Studies: Theories and Applications. Routledge: – New York, 2008. – 236 p.*